



## КИТОБОТ САНЪАТИНИ ЎРГАТИШДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,  
Наманган давлат университети  
“Ўзбек адабиётшунослиги” кафедраси доценти,  
педагогика фанлари номзоди.  
+ 99890-214-77-33

[komiljon.abdullayev.1961@mail.ru](mailto:komiljon.abdullayev.1961@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей адабиёт дарсларида китобот санъатини ўргатиш машгулотлари жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланишнинг ўрни ва самарали усуллари кўп йиллик амалий тажрибалар асосида ёритилган.

**Калит сўзлар:** китобот, фанлараро интеграция, хаттотлик, араб тили, ўзбек тили, бўёқлар жамланмаси, мўйқалам, лугат, ахборот коммуникацион технологиялари, шарҳ, расм-слайд.

## ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В ОБУЧЕНИИ КНИГОВОМУ ИСКУССТВУ

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич,  
Наманганский государственный университет  
Доцент кафедры «Узбекское литературоведение»,  
кандидат педагогических наук.  
+ 99890-214-77-33

[komiljon.abdullayev.1961@mail.ru](mailto:komiljon.abdullayev.1961@mail.ru)

**Аннотация:** В статье описаны роль и эффективные методы использования междисциплинарной интеграции в процессе обучения книжному искусству в общеобразовательных школах, академических лицеях на уроках литературы на основе многолетнего практического опыта.

**Ключевые слова:** искусство книга, междисциплинарная интеграция, каллиграфия, арабский, узбекский, сборник красок, кисть, словарь, информационно-коммуникационные технологии, комментарий, картинка-слайд.

## USING INTERDISCIPLINARY INTEGRATION IN LEARNING THE BOOK ART

Abdullayev Komiljon Abduganiyevich  
Namangan State University  
Associate Professor of "Uzbek Literary Studies",  
candidate of pedagogical sciences  
+ 99890-214-77-33

[komiljon.abdullayev.1961@mail.ru](mailto:komiljon.abdullayev.1961@mail.ru)

**Abstract:** The article describes the role and effective methods of using interdisciplinary integration in the process of teaching book art in secondary schools, academic lyceums in literature lessons based on many years of practical experience.



**Keywords:** *book art, interdisciplinary integration, calligraphy, Arabic, Uzbek, collection of paints, brush, dictionary, information and communication technologies, commentary, picture slide.*

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей адабиёт дарсларида адабий-назарий тушунчаларини ўргатиш, таҳлил қилиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим масала ҳисобланади. Бу жараёни тўғри ва самарали амалга ошириш орқали ўқувчилар илмий дунёқарабини шакллантириш, тафаккурини ўстириш, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ўқув юртлири олдида турган энг асосий вазифалардандир.

Адабий-назарий тушунчаларни ўргатиш ўқувчиларнинг назарий билимларини бойитиш билан бирга уларнинг нутқини ўстиради, фикрини, тасаввурини ривожлантиради, уларда образли тушунчалар ҳосил қилишга ёрдам беради ва фикрлаш қобилиятини кенгайтиради.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей адабиёт дарсларида рубоий (5-синф), қасида (6-синф), баллада, шеър вазнлари, роман ва унинг турлари, рамзий образлар ва муболағали тасвир, чистон, қофия, радиф, кўчим, мажоз, рамз, таносиб, ирсоли масал (7-синф), ишқий-қаҳрамонлик дostonлари, дидактик адабиёт ҳақида, туюқ ва тажнис, ғазал ва қитъа (8-синф), шеърий санъатлардан намуналар (10-синф) каби адабий-назарий тушунчаларни ўргатиш режалаштирилган. Адабиёт фанини ўқитишнинг энг муҳим ва мураккаб босқичи саналган бу жараёни тизимли ташкил этиш фан ўқитувчисидан ҳар томонлама чуқур билим, тажриба, маҳоратни талаб этади деб ҳисоблаймиз.

Биз қуйида кўп йиллик амалий тажрибаларимиз ва кузатишларимизга асосланиб, 10-синф [1, 184] (академик лицей 1-босичи [2, 216]) адабиёт дарсларида шеърий санъатларни, хусусан, китобот санъатини ўргатиш машғулотлари жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланишнинг ўрни ва самарали усуллари ҳақидаги фикрларимизни ўртоқлашмоқчимиз.

Ўзбек мумтоз адабиётида кенг қўлланадиган “Китобот” санъатини тушунтиришда ўзбек тили дарсларида ўтилган материаллар, шунингдек, хаттоглик санъати, замонавий ўқитиш воситалари имкониятлари ёки араб тили фани ўқитувчиси билан ҳамкорлик, хорижий технологиялардан фойдаланиш самарали натижалар беради. Бизнингча, ёзма нутқ (оғзаки нутққа ҳам), ўқувчиларнинг саводхонлигига жиддий эътибор бериш долзарб масалага айланаётганлигини айтиш вақти келди (2019 йилда Давлат тилининг 30 йиллиги кенг нишонланганлиги, Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилганлиги, Миллий баҳолаш тизимининг жорий этилганлигини фикримизнинг тасдиғи сифатида таъкидлашимиз мумкин). Адабиёт фанидан ДТМ саволларини такомиллаштиришда ёзма нутқ, ўқувчиларнинг саводхонлиги (иншо, баён, лавҳа, матн, лойиҳа яратиш каби) билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Қуйида Наманган давлат университети академик лицейида 2019 йил 28 декабрь куни университет ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти М.Сулаймонов билан ҳамкорликда “YUVE SCHOOL” МЧЖ япон тили ўқитувчиси, Хиросима университети докторанти Ясука Фукая ва Хиросима шаҳридаги бошланғич синф ўқитувчиси Такада Жунхо хоним иштирокида “Япон иогрифларини ёзиш” мавзусида ўтказилган “Мастер класс” (“Маҳорат дарси”) намунаси асосида муаллиф томонидан лойиҳалаштирилган “Хаттогликни ўрганамиз” тақдимот-дарс режасини келтириб ўтамыз.

Дарс қуйидаги тартибда ўтказилади:



### **1. Ташкилий қисм:**

- **танишув:** таълим тизимидаги ислоҳотлар, ёзувлари тарихи, хаттотлик ва унинг сирлари ҳақида кириш сўз ва қисқа савол-жавоблар;

- **дарс жиҳози:** замонавий ахборот коммуникацион технологиялари, бир нафар ёрдамчи ўқитувчи, ҳар бир ўқувчига 3 дона ( 1 донаси ёзув учун (бўяш учун тайёрланган ҳарфлар шакли туширилган), 1 донаси қоралама учун ( ранг тўқилмаслиги ва тарқалмаслигининг олдини олиш учун), 1 дона рангли (ўқувчи рангли қоғозлар тўпламидан ўзи ёқтирган рангдаги қоғозни танлаб олади) дан қоғоз, алоҳида-алоҳида бўёқлар жамланмаси, ранг тайёрлаш мосламалари ва махсус мўйқалам.

### **2. Янги дарснинг бориши:**

- китобот санъати намуналари билан таништириш ва шарҳлаш;
- катта электрон экран орқали ҳарфларни ёзиш жараёни намойиши;
- қоғоз, бўёқлар жамланмаси, ранг тайёрлаш мосламаларини жойлаштириш, махсус мўйқаламдан фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар бериш;
- ўқитувчининг амалий кўрсатмалари тақдимоги;
- ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш.

### **3. Дарсни якунлаш:**

- ҳар бир ўқувчининг ишини баҳолаш: хато ва камчиликларини изоҳлаш;
- раъбатлар тарқатиш: энг чиройли ҳуснихат эгалари – ўқувчиларга махсус совғалар топшириш.

### **4. Уйга вазифа топшириш:**

- ёзувларини ота-оналарига кўрсатиш ва фикрларини эшитиш;
- ҳарф намунасидан икки (қўл ёзма ва электрон) нусха ёзиш.

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоийнинг **“Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур”** [3, 22] деган ўтигини дарснинг шиори сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Дарснинг кириш қисмида адабиёт фани ўқитувчиси М.Раҳмонова ва араб тили фани ўқитувчиси Ю.Раҳматуллаевлар таълим тизимидаги ислоҳотлар, ёзувлар тарихи, хаттотлик ва унинг сирлари ҳақида суҳбат, қисқа савол-жавоб ўтказдилар. Жумладан, хаттотлик санъати ҳақида қуйидаги маълумотлар тушунтирилади: хаттотлик (арабча – ҳуснихат ёзувчи), каллиграфия – ёзув (хат) санъати, китоб кўчириш ҳамда меъморий иншоотлар, бадий буюмларнинг китобаларини яратиш касби. Шарқда, жумладан, Ўрта Осиёда китоб босиш вужудга келгунига қадар қўлёзма китоб тайёрлаш, уларнинг нусхаларини кўпайтириш (матн кўчириш) билан хаттотлар шуғулланган. Темур даврида Мавлоно Шамсуддин Мунший, сангтарош ва хаттот Олтун жуда машҳур бўлган. Алишер Навоийнинг шахсий кутубхонасида 11 та йирик санъаткорлар (Султонали Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Дарвеш Муҳаммад Тоқий ва б.) самарали ижод қилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур эса янги хат ва алифбо **“Хатти Бобурий”** ихтирочисидир. Китобот санъати билан бир қаторда биноларнинг китобалари, қабртошдаги битиклар ва буюмларда хаттотлик кенг қўлланилган. Мовароуннаҳр хаттотлик мактабининг юзага келишида Мир Али Хиравийнинг ҳаёти ва ижоди алоҳида ўрин тутди. Босмаҳона пайдо бўлгунига қадар котиб, хаттотлар меҳнати китоб тайёрлашда муҳим ўрин тутган. Бу борада Бойсунқур Мирзо, Алишер Навоий, Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) ва бошқаларнинг фаолиятлари диққатга сазовор. Наманганда ҳам қатор хаттотлар фаолият олиб борганлар: Муҳаммад Юсуф ибн Имомуддин Ахсикатий (XVI-XVII аср), Иброҳим



ибн Юсуф бин Имомуддин Ахсикатий, Мулла Абдуллоҳ бин Мулла Тошпўлат Намангоний (XVII-XIX аср), Муҳаммад Олим ибн Охунд домулло Муҳаммад Шариф Намангоний (XIX аср), Охунд бин Мир Ҳасан Намангоний (XIX аср), Мулла Муҳаммад Тоҳир ибн уста Барот Намангоний (XIX аср), Мулла Муҳиддин мулла Ғоziхон ҳожи (XIX аср), Абдулваҳоб котиб Намангоний (XIX аср) [5, 4] шулар жумласидандир. 20 асрда йирик кутубхоналарда хаттотлар қўлёзма китоблар нусхасини кўпайтириш билан шуғулландилар. 20 асрнинг 80 йилларига келиб, китобот санъати бир гуруҳ кишилар томонидан қайта тикланди. Бунда Ҳабибулла Солиҳ, Абдулла Мирсоатов, Тўхтамурод Зуфаров, Алишер Шомухаммедов ва бошқаларнинг хизмати катта. Хаттотлик санъати ҳозирги кунда Тошкент шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети, Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўргатилади [6, 403].

Суҳбат давомида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-буйруғи билан тасдиқланган академик лицей она тили фанидан намунавий дастурда кўрсатилган: “Графика. Ўзбек ёзуви тарихи. Ёзув тамойиллари”, “Ўзбек тилининг янги имло қоидалари. Ҳарфлар имлоси”, “Публицистик ва бадиий услуб”, “Нутқнинг софлиги, бойлиги, жўялилиги, ифодаланиши”, “Нутқ маданияти ва нутқ техникаси” каби мавзуларни ёритишда келтирилган манбааларни эслатилади ва улардан ўрни билан ва оқилона фойдаланилади.

Шу ўринда дарс мавзуси, мазмуни, мақсади, вазифасидан келиб чиқиб, “Эл деса Навоийни... (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар)” тўпламига киририлган “Нутқнинг қудрати” [7, 76] ҳикояти матни (ушбу тўплам, бобокалонимиз портрети, асарларидан намуналар намойиши ҳам ташкил этилади) билан таништириш кутилган натижалар учун асос бўлиб хизмат қилиши, машғулотнинг қизиқарли, мазмунли, самарали ўтказилишини таъминлаши табиийдир.

Ҳикоят матни қуйидагича:

### **Нутқанинг қудрати**

Мир Алишер Навоий ўз ғазалларини замонасининг энг зўр билимдон хаттотларига кўчиртирарди. Нима бўлди-ю, ўз хаттотининг тоби қочиб қолди. Бундан хабардор бўлган, ўзини машҳур хаттотлардан деб юрган бир олифта киши: “Рози бўлсалар, Алишер Навоийнинг хизматини жоним билан бажарардим”, - дебди.

Шоир унинг бу гапини эшитиб, шеърларини кўчиртиришга берибди. Бир пайт катта мушоирада Алишер Навоийнинг қулоғига: “Маликула шуаронинг ўзлари нуқсон-қусурга йўл қўйибдиларми, бошқалардан нимани ҳам қутиш мумкин”, деган гап қулоғига чалинибди.

Гап нимадалигини дарров фаҳмлаган шоир боягина кўчиртирган ғазалларини олиб ўқибди, қараса ўзи айтган гап эмас эмиш. Мақтанчоқ хаттот тушмагур “кўз” сўзидаги бир нуқтани тушириб қолдирганидан, бу сўз “кўр” бўлиб қолган ва шеър маъноси ўзгариб, аксинча чиққан экан.

Алишер Навоий аҳли фозилларга қараб:

- Кўзимни кўр қилганлар кўр бўлсин! - дебди-да, хаттотга жавоб бериб юборибди. [7, 76]

Ушбу матндан фойдаланиш: ёзувнинг, сўзнинг беқиёс қудратига ишончини янада орттиради (“Кўзимни кўр қилганлар кўр бўлсин!”), товуш ва фонема (кўз-кўр), кўчирма



гап, унинг ишлатилиши ҳақидаги маълумотларини мустаҳкамлайди; оғзаки ва ёзма нутқини ўстиради (вақт имкониятини ҳисобга олган ҳолда матнни “ қисқа диктант” усулида ҳам таништириш мумкин), “хаттот” (ўткир хушхат, ёзув санъаткори, ёзув ишини ўзига касб қилиб олган киши), “маликул шуаро”(шоирлар султони) сўзларининг маъноси ҳамда қўлланиши ҳақида тушунчага эга бўлишини таъминлайди; Ҳазрат Алишер Навоийнинг юксак инсоний фазилатлари, унинг ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига қўшган ҳиссаси эътироф этилади, шоир шахсига ҳурмат, ифтихор ҳисларини тарбиялайди.

Адабиёт фани ўқитувчиси китобот санъати ҳақида маълумот берар экан, “Шеърятимизда кенг қўлланиб келинган ушбу санъат араб алифбоси ҳарфлари шаклидан лирик ва эпик тимсоллар чизишда фойдаланишни назарда тутиши, араб алифбоси тўғри ва эгри, ёйсимон ва доирасимон шакллардаги ҳарфлардан ташкил топганлиги, Шарқ шоирлари ана шу шаклларга қиёс усули билан ёндашиб муҳим ижтимоий-сиёсий, маданий-ахлоқий ғояларни ифодалашда маҳорат билан фойдаланганликлари”

[8, 103]га тўхталади ва Алишер Навоий ижоди мисолида тушунтиради.

Атоқли сўз санъаткори ўзигача форсий ва туркий тилдаги адабиётда тўпланган санъаткорлик тажрибаларини жуда пухта ва чуқур ўзлаштирди. Аммо анъаналар билан қаноатланмай, санъаткорлик сирларининг янги-янги қирраларни кашф этишга, янги-янги тасвирий воситалар яратиб, ўз асарларининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан мукамал бўлишига бор куч ва маҳоратини сарф этди. Шоир ижодига хос бундай фазилатни Шарқ адабиётида баланд мавқеъ тутган ўнлаб маънавий санъатлар, жумладан, ҳарфий санъатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтмиш адабиётида араб алифбосидаги кўпгина ҳарфлар бирор товушнинг ифодаси бўлиш билан бирга ўзининг шакли ва кўриниши билан маъшуқанинг хусни жамоли ва ошиқнинг ишқий изтиробларини тасвирлашда муҳим бадиий восита бўлиб хизмат қилган. Жумладан, қош “нун” га, соч “жим” ёки “лом” га, оғиз “мим” га, тиш “син” га ўхшатишган. Алишер Навоий ҳам ўз ижодида араб ҳарфларининг тасвирий имкониятларидан маҳорат билан фойдаланади:

Жонимдаги **“жим”** икки **“дол”**инга фидо,

Андин сўнг **“алиф”** тоза ниҳолинга фидо.

**“Нун”**и доғи анбарин ҳилолинга фидо,

Қолгон **икки нуқта** икки холинга фидо.

Шоир ижодида **“алиф”** билан боғлиқ байтлар, айниқса, кўпчиликини ташкил қилади.

Ул **“алиф”** ким, нил ила чектинг узоринг ёнида,

Хусн ичида бирга ўн қилмиш ёнида хол ани.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 606-ғазалдан олинган бу байтда маъшуқанинг қадди эмас, юзига ўсма билан тортилган чизиғи **“алиф”**га ўхшатишган.

Байтда шоир XV асрдан қизлар ўртасида кенг тарқалган жуда ҳам қизиқ бир одатга ишора қилади: Ёноғингда нил – ўсма билан **“алиф”** тортдинг. Қизиқ одат шуки, у пайтларда қизлар ўсма қўйганда, ёноқларига тўғри чизиқлар ҳам тортишар экан. Шоир ана шу чиройли чизиқларни **“алиф”** деб атайти. Иккинчи мисрадан маълум бўладики, маъшуқа ёноқларига тортилган **“алиф”** дек чизиқ ёнида думалоқ хол ҳам бор, бу хол маъшуқанинг бир хуснига ўн хусн қўшган. Шоирнинг мақсад-муддаосини тушуниш учун





яна “алиф”га мурожаат қиламиз: “алиф” нинг шакли бир рақамга ўхшайди. Унинг ёнидаги хол эса “сифр”, яъни “ноль”. Араб ёзувидаги ноль бир нуқтадан ( . ) дан иборат. Энди бир ва “сифр” ни ёнма-ён қўямиз:  $1+.=1.$ , яъни,  $1+0=10$  (бу ифода қўшиш амалининг бажарилиши эмас, ёнма-ён жойлашишини кўрсатиш маъносида ишлатилган). Маъшуқанинг бир хуснининг ўн бўлганлигига бундан ортиқ исбот бўлмаса керак.

“Алиф” дек қоматини “жон” ичида сақлаган нозик баданнинг икки кўзи “жим” ва “нун” бағрида Адан марвариди каби товланишининг бадий ифодаси кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди:

*Ким алифдек жон ичинда қаддинг, эй нозик бадан,*

*Икки кўзинг нуқтаси жим, нун аро дурри Адан [4,342].*

“Нуқта устида бежодир”, - дедим, айди кулиб:

“Саҳв қилмиш котиби қудрат, магар, таҳрирда” (Фурқат).

Фурқатнинг ажойиб поэтик маҳорати. Шоир ёр лабида хол борлигини англамоқчи бўлиб, уни нуқтага ўхшатади. Шунинг учун араб алифбосида “лаб” сўзининг ёзилишидан фойдаланиб сўз ўйини ясайди. Шоир ёрга хитобан “лаб” сўзида нуқта (хол) пастда бўлгучи эди, сенинг лабингда нуқтанинг лаб устида туриши бежодир, деб ҳазил қилади. Ёри эса, ўз жавобида ундан ҳам шўхроқ мазмунни ифода этади: таҳрир вақтида котиб хато қилиб, нуқтани (холни) пастга эмас (араб алифбосида “б” ҳарфидаги нуқта пастга қўйилади), юқорига қўйиб юборган.

Сўнгра навбат араб тили фани ўқитувчисига берилади.

У араб алифбоси ҳарфлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқча маълумот беради ва катта электрон экран орқали ҳарфларни ёзиш жараёни тақдиротини намоёни қилади. Қоғоз, бўёқлар жамланмаси, ранг тайёрлаш мосламаларини жойлаштириш, махсус мўйқаламдан фойдаланиш ҳақида кўрсатмалар беради. Шу ўринда, ушбу жараённинг педагогик ва методик тавсифини айтиб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз: 1 дона бўяш учун тайёрланган ҳарфлар шакли туширилган қоғоз ёзув учун берилади. Араб алифбоси шакллари ёзиш мураккаблиги, ўқувчилар биринчи дарсдаёқ ҳарф ёзишга киришишлари, уларни қизиқтиш ва рағбатлантиришни ҳисобга олиб, уларга тайёр ҳарфлар шаклини бўяш топширилади (Иш услубини хотираларига жойлаган ёш хаттотлар уйда бу машқни такрорлайдилар, мустаҳкамлайдилар). 1 дона қоғоз қоралама: ранг тўқимаслиги ва тарқалмаслигининг олдини олиш учун берилади. Бу ўқувчиларда эстетик дидни ривожлантириш, тартиблилик, озодалилик, жамоат мулкани асраб-авайлаш каби ҳислатларни шакллантиришга ёрдам беради. Ўқувчи рангли қоғозлар тўпламидан ўзи ёқтирган рангдаги 1 дона қоғозни танаб олади. Танланган қоғоздаги ранг орқали ўқувчиларнинг қизиқиши, хулқ-атвори аниқланади ва шу асосда яқка тартибда мулоқот амалга оширилади. Алоҳида-алоҳида ранг тайёрлаш мосламалари ва махсус мўйқалам билан таъминланиши ўқувчиларнинг эркин, мустақил, ижодий ишлашлари учун шароит яратади.

Ўқитувчининг шахсий амалий намунасида сўнг дарснинг асосий қисми бошланади. Ўқитувчи ва унинг ёрдамчиси ўқувчиларнинг ишларини кузатадилар, маслаҳатлар берадилар, яқка тартибда ишлайдилар.

Дарс якунида ҳар бир ўқувчининг иши баҳоланади: хато ва камчиликлари изоҳланади, энг чиройли хуснихат эгалари – ўқувчиларга махсус совғалар топширилади.



Ёзувларини ота-оналарига кўрсатиш ва фикрларини эшитиш, ҳарфлар намунасидан икки (қўл ёзма ва электрон) нусха ёзиш уйга вазифа қилиб топширилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдикки, бу каби дарс шакллари дарсдан кейин, адабиёт тўғараги машғулотларида давом эттириш мақсадга мувофиқ.

Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей адабиёт дарсларида китобот санъатини ўргатиш машғулотлари жараёнида фанлараро интеграциядан фойдаланиш шеърини санъатлар, жумладан, китобот санъати ҳақидаги билимларни мустаҳкамлайди; ўқувчиларни ўзбек ёзуви тарихи билан таништиради, оғзаки ва ёзма саводхонликнинг ўрни, аҳамиятини чуқурроқ англаш, сўзнинг беқиёс қудратини ҳис этиш, матнни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Адабиёт [Матн]: дарслик-мажмуа (10-синф). 1-қисм / Б.Тўхлиев [ва бошқ.], - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. – 184 б.
2. Адабиёт (Мажмуа): Академик лицейларнинг биринчи босқич ўқувчилари учун / Тузувчилар: Б.Тўхлиев, Б.Абдурахмонова. ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази. – Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 216 б.
3. Алишер Навоий. Маҳбубул қулуб. Муншаот. Вақфия. Асарлар. 15 томлик. – Т.: 1966. – Б.22.
4. Машраб, Бобораҳим. Меҳрибоним, қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар... (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Ж.Юсупов). Т.: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.342.
5. Мирзаалиева З. Наманган хаттотлари. – "Маҳорат мактаби" газетаси, 2010 йил 13 октябрь (№20), 4-бет.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз – Шаршара. Таҳрир хайъати: А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва б. Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 403.
7. Эл деса Навоийни...( Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // тўпловчи ва нашрга тайёрловчи М.Жўраев; Рассом Л.Ибрагимов – Т.: Чўлпон, 1991. – Б. 76.
8. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийят малоҳати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.103.